

6-1-2019

ABOUT OF INSPECTION OF INSURANCE COMPANIES' FINANCIAL REPORTINGS BY AUDIT ORGANIZATIONS

M. Abduraimova

Tashkent Financial institute, maftun90@mail.ru

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Abduraimova, M. (2019) "ABOUT OF INSPECTION OF INSURANCE COMPANIES' FINANCIAL REPORTINGS BY AUDIT ORGANIZATIONS," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 3 , Article 1.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss3/1>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Theoretical bases and methodological conditions for the organization of public procurement

The article discusses the types of public procurement and their differences. In this regard, the findings of scientists in their scientific works are studied and the author’s authoritative approach is described. As a result of the research, scientific recommendations and recommendations were developed.

Keywords: government procurement, online store, auction, selection, tender, direct government procurement, individual suppliers.

The developed countries of the world have many years of theoretical and methodological and practical experience in the field of public finance, including public procurement. There is also a solid legislative base for regulating public procurement in foreign countries. The study of their experience, in turn, plays an important role in developing and regulating these relations in Uzbekistan.

Formation and constant improvement of the legal basis for the organization of public procurement in any country is one of the important strategic objectives of public finance management. Therefore, the process of organizing public procurement begins with defining its organizational forms. Based on the norms established by international and national legislation, the form of procurement shall be determined and the necessary regulatory procedures will be administered by the customer.

In general, it is possible to create conditions for macroeconomic stability through effective public procurement. In particular, it is important to develop mechanisms for assessing public procurement and thereby setting the direction for improving its efficiency. In this regard, Kryukova's (2012) study is of particular importance. According to him, the effectiveness of procurement can be assessed through several indicators:

- efficiency of budget expenditure planning;
- share of unsigned contracts on public procurement processes;
- timely delivery of goods (works, services);
- Effective use of budget funds;
- Execution of contract for delivery;
- Execution of contract on the quality of goods;
- share of contracts terminated during the execution of signed contracts.

It should be noted that the evaluation of budget expenditures in public procurement has a specific character. For example, it is difficult to compare the processes of grocery shopping with the construction industry. In our opinion, it is

important to consider the factors that determine the effectiveness of budget spending when choosing public procurement models.

This research analyzes the types of public procurement and their emerging conditions and forms an independent author's approach to them.

Development and use of new public procurement software, reducing the number of documents, ensuring transparency and transparency of the procurement process are the main criteria of the policy pursued by the head of state in the period of innovative economic development. Legal instruments and measures adopted in the country on the development of public procurement remain the main factor in the development of the sector. At the same time, it is advisable to further increase the scope of the measures taken, further improve the process of public procurement and corporate procurement, thereby increasing the opportunities for cooperation between the public and private sectors.

Today, when studying the practice of public procurement planning in Uzbekistan, although the law provides for a 'bottom-up' mechanism for the flow of information about the demand of government agencies and organizations for goods (works, services), the funding for these needs is unilaterally “top-down. ”. This is done by removing (reducing) the "non-essential", "redundant" and "unjustified" cost sections from the list of needs of government agencies and organizations. Based on this type of planning mechanism, a normative-cost method is used to determine the needs of budget administrators and the amount of funding available to them.

(Full article is available in Uzbek)

**Тошкент давлат иқтисодиёт
университети мустақил тадқиқотчиси
Атамуродов Тўлқин Тўймуродович**

**Давлат харидини ташкил этиш назарий асослари ва услубий шарт-
шароитлари**

Мақолада давлат харидининг турлари, уларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари тадқиқ этилган. Бу борада, олимларнинг илмий асарларидаги хулосалари ўрганилиб, мустақил муаллифлик ёндашувлари баён этилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: давлат хариди, электрон дўкон, аукцион, танлов, тендер, тўғридан-тўғри давлат хариди, ягона етказиб берувчилар.

**Теоретические основы и методологические условия организации
государственных закупок**

В статье рассматриваются виды государственных закупок и их различия. В связи с этим изучаются выводы ученых в их научных работах и описывается собственный авторитетный подход автора. В результате исследования были разработаны научные рекомендации и рекомендации.

Ключевые слова: государственные закупки, интернет-магазин, аукцион, отбор, тендер, прямые государственные закупки, отдельные поставщики.

Кириш

Ҳар қандай мамлакатда ҳам давлат харидини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва уни доимий тарзда такомиллаштириб бориш, давлат молиясини бошқаришнинг муҳим стратегик вазифаларидан ҳисобланади. Шу боисдан, давлат харидини ташкил этиш жараёни, унинг ташкилий шакллари аниқлаб олишдан бошланади. Халқаро ва миллий қонунчиликда ўрнатилган меъёрлар асосида хариднинг қайси шакли қўлланилиши аниқланади ва зарурий-меъёрий жараёнлар буюртмачи томонидан бошқарилиб борилади.

Умуман олганда, давлат харидларини самарали ташкил этиш орқали макроиқтисодий барқарорликка муносиб тарзда шарт-шароит яратиш мумкин экан. Жумладан, давлат харидлари баҳолаш ва ушбу орқали унинг самарадорлигини оширишга йўналишни белгилаш механизмларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Бу борада, Крюкованинг (2012) тадқиқотлари ўзига хос аҳамиятга эга. Унга кўра, харид самарадорлигини бир неча кўрсаткичлар орқали баҳолаш мумкин, улар қуйидагилардир:

- бюджет харажатларини режалаштириш самарадорлиги
- давлат харид жараёнлари бўйича имзоланмаган шартномалар улуши
- товар(иш, хизмат)ларни ўз вақтида етказиш

- бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги
- етказиб бериш бўйича шартнома шартларини ижро этиш
- товар сифати бўйича шартнома шартларини ижро этиш
- имзоланган шартномалар ижро даврида бекор қилинган шартномалар

улуши

Таъкидлаш лозим, давлат харидларини амалга оширишда бюджет харажатларини баҳолаш ўзига хос хусусиятга эга бўлмоқда. Масалан, озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш жараёнларини қурилиш тармоғи билан солиштириш мураккаб ҳисобланади. Бизнингча, давлат харидлари моделларини танлашда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини белгиловчи омилларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

Мазкур тадқиқотда давлат харидларининг турлари ва уларнинг вужудга келиш шарт-шароитлари таҳлил этилади ва уларга нисбатан мустақил муаллифлик ёндашуви шакллантирилади.

Адабиётлар таҳлили

Давлат харидларини ташкил этиш моделларида фундаментал масала сифатида шартнома муносабатлари акс этади. Масалан, марказлашган тарзда давлат харидларини амалга оширувчи АҚШда шартнома муносабатлари коррупцияга қарши кураш, харид ғолибларини аниқлашда адолатни таъминлаш, тежамкорлик ва самарадорлик омилларини юзага чиқаришни ўзида акс эттиради. АҚШда марказлашган давлат харидлари – Умумий хизматлар администрацияси томонидан амалга оширилади. Бу каби йирик марказлашув товар (иш, хизмат)ларнинг катта миқдорда етказиб берилишига эришиш орқали бюджет харажатларини камайишига шарт-шароит яратилади. Шунингдек, давлат миллий ишлаб чиқарувчиларни ушбу жараёнда маълум имтиёзларни бериш орқали қўллаб-қувватлаши мумкин. Шунингдек, харидлар стандартлашган намунавий шаклдаги шартномалар асосида амалга оширилади.

Европа модели эса марказлашмаган тарзда амал қилиши билан ажралиб туради. Д.Эдлернинг (2007) тадқиқотларига кўра, давлат харидларини ташкил этиш юқори технологик ривожлантиришга қаратилган инновацион маҳсулотларни сотиб олишни ўзида намоён қилади. Унга кўра, Европа Иттифоқи мамлакатларида инновацион сиёсатни ишлаб чиқишда муҳим йўналишларда бири ҳисобланади.

ЕИ давлатларининг барчасида ҳам марказлашмаган ҳолда давлат харидлари амалга оширилмайди. Шундай бўлсада, уларнинг асосий асоси сифатида шартнома жараёнларини ташкил этиш элементлари билан боғлиқ ҳисобланади. Умуман олганда, шартноманинг асосий принциплари бўлиб қуйидагилар инобатга олинади: шаффофлик, адолатлилик, ҳисобдорлик мажбурияти ва рақобатнинг мавжудлиги.

М.Фалагарио (2012) ЕИда давлат харидларини амалга ошириш модели алгоритмини тадқиқ этган. Европадаги қоидаларга кўра, шартнома хизмати танлов таклифларини баҳолаш мезонларини “Нисбатан иқтисодий манфаатли”

қоидаларига биноан олдиндан аниқлаши лозим бўлади. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган методга кўра, тақлифларнинг барчаси бир хил методика билан давлат хизматчи томонидан шаффоф баҳоланади.

Яна шуни қайд этиш лозим, ЕИ давлатларида хариднинг муҳим жиҳати – бу миллий ишлаб чиқарув/етказиб берувчиларга бериладиган устунлик билан ифодаланади. Г. Уолкер ва С. Браммер (2009) томонидан сўровнома асосида буюк Британияда олиб борган тадқиқотларига кўра, миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили ўзаро фарқли хусусиятлар мавжудлигини кўрсатиб беради. Жумладан, маҳаллий ҳокимият органлари маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга устунлик беришса, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари товарларнинг экологик масалалари билан боғлиқ тарзда харидни амалга оширар экан.

1-жадвал

Қурилиш соҳасида давлат харидлари самарадорлигини характерловчи кўрсаткичлар

№	Асосий кўрсаткич	Иккинчи даражали кўрсаткични баҳолаш объекти
	Бюджет маблағларини йўналтириш самарадорлиги	Харидни умумий баҳолаш
		Босқичлар баҳолаш
		Шартнома савдолари Шартномани бажариш
	Харидларни амага ошириш муддатлари мониторинги	Харидни умумий баҳолаш
		Босқичлар баҳолаш
		Шартнома савдолари Шартномани бажариш
	Харид пердмети сифати (тугалланган шартнома бўйича)	Харид объектнинг лойиҳа ва талабларга мослиги
		Бажарилган ишларнинг тўлиқлиги
		Камчилик ва хатоларни бартараф этиш
	Харидни бошқариш самарадорлиги	Харидни умумий баҳолаш
		Босқичлар баҳолаш
		Шартнома савдолари Қурилиши лойиҳаларини бошқариш

Фикримизча, давлат харидларининг мавжуд моделларида тўлиқ ҳолда марказлашган ёки марказлашмаган шаклда амалга оширилиши ўзининг тўлиқ самарасини бермаслиги мумкин экан. Шу боисдан, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошадиган харидларда товар (иш, хизмат)ларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб маълум бир моделни танлаш мақсадга мувофиқ. Масалан, тиббий хизматларни амалга оширишда дори воситаларининг маълум турларини марказлашган ҳолда амалга оширилса, қурилиш соҳасида марказлашмаган тарзда олиб бориш муҳим деб ҳисоблаймиз.

Рус олимларидан М.Демиденко (2017) қурилиш соҳасида давлат харидларини амалга оширишда марказлашган моделнинг ишлатилиши ва унда

самарадорликни баҳолаш кўрсаткичларини кўрсатиб ўтади. Хусусан, муддат ва сифат параметларини алоҳида ажратиб кўрсатади (1-жадвалга қаранг).

М.Демиденко ўзининг тадқиқотларида давлат бюджети харажатларини самарадорлигини таъминлашда давлат харидларида 10 фоиздан юқори кўрсаткични қайд этилиши юқори натижани англатишини таъкидлайди. Шартнома савдоларида бюджет маблағларини тежалмаслиги самарасизликни англатса, шартнома бажарилишида эса мазкур рақам меъёрий самарадорликни билдиришини қайд этиб ўтади.

Шунингдек, давлат харидини ташкил этиш орқали рақобат муҳитини ҳам мустаҳкамлаш мумкинлиги билан ҳам изоҳланади. Бир жихатдан бюджет харажатларини самарали фойдаланишга имкон берса, бошқа томондан иқтисодиёт субъектлари ўртасида рақобат муҳитини кучайишига хизмат қилади. Бу борада, Н.Заикин (2015) давлат харидлари рақобат муҳитини бошқариш механизмини такомиллаштиришнинг ажралмас бўлаги эканлигини қайд этиб ўтади.

Шу билан бирга, давлат харидини ташкил этиш ва бошқариш ўзаро узвий боғланган тўртта элементни ўз ичига олади. Бу элементлар комплекс тусга эга бўлиб, ҳар бир элементни муваффақиятли амалга ошириш, давлат харидини самарали бўлишини таъминловчи омил ҳисобланади. Хусусан улар қуйидагилардир:

- давлат харидини режалаштириш;
- харидни ташкилий шакллари;
- шартномаларни тузиш ва ижро этиш;
- давлат харидини назорат тизими.

Давлат харидини режалаштириш — кейинги давр учун бюджетни тузиш ва қисман/тўлиқ давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган давлат эҳтиёжлари номенклатурасини тузиш жараёнида амалга оширилади. Бу жараён ўз ичига:

- давлат эҳтиёжлари учун товар (иш, хизмат)ларни белгиланган тартибда бюджетдан молиялаштириш бўйичасўровномаларини шакллантириш ва уни молия органларига тақдим этиш;
- сўровнома асосида давлат харидини бюджетдан молиялаштириш учун бюджетини тасдиқлаш ва бюджет ажратмалари ҳажмини бюджет маблағлари олувчиларга етказиш;
- харажатлар сметасини сотиб олинadиган товарлар ва хизматлар гуруҳлари бўйича рўйхатдан ўтказишни қамраб олади.

Бугунги кунда, Ўзбекистонда давлат харидини режалаштириш амалиётини ўрганадиган бўлсак, давлат органлари ва ташкилотларининг товар (иш, хизмат)ларга бўлган талаби ҳақида ахборот оқимининг «пастан-юқорига» механизмнинг қонунчиликда кўзда тутилишига қарамасдан, ушбу эҳтиёжларни молиялаштириш ҳажмларини аниқлаш бир томонлама тартибда «юқоридан-пастанга» кўринишда амалга оширилишини гувоҳи бўламиз. Бу давлат органлари ва ташкилотларининг эҳтиёжлари рўйхатидан «муҳим

бўлмаган», «ортиқча» ва «асосланмаган» харажат бўлимларини чиқариб ташлаш (қисқартириш) орқали амалга оширилади. Бундай кўринишдаги режалаштириш механизми асосида, бюджет маблағларини тақсимловчилар эҳтиёжларини ҳамда унга етарли миқдордаги молиялаштириш ҳажмларини аниқлашнинг *меъёрий-харажат* усули қўлланилади.

Буюртмачилар давлат харидларини режалаштиришда қуйидаги молиявий ва технологик омилларни инобатга олишлари зарур, деб қайд этилади (Анчишкина, 2011):

- нарх бўйича мўлжаллар;
- зарурий харажатлар;
- мажбурий харажатлар;
- нарх тебраниши билан боғлиқ бўлган харажатлар ва унинг сифат кўрсаткичига боғлиқ жиҳатлари;
- товарнинг ҳаётийлик даври билан боғлиқ харажатлар.

И.Смотрицкая (2011) шартнома муносабатлари доирасида давлат харидларини ташкил этишда давлат ваколатли органлари товар (иш, хизмат)ларнинг шакл ва турларини ҳам режалаштиришни назарда тутиши муҳимлигини таъкидлайди.

– инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция дастурларини объект нархи ва унга хизмат кўрсатиш нархларини камайтириш орқали оптималлаштириш;

- бюджет харажатларининг молиявий шаффофлиги;
- лойиҳаларни амалга ошириш муддатларини қисқартириш;
- объект сифатига тўловни жорий қилиш орқали етказиб берувчилар мажбуриятини ошириш ва сифатни таъминлаш.

Бизнингча, юқорида келтирилган харидни режалаштиришга асос бўлувчи омиллар қаторида товар (иш, хизмат)ларнинг зарурий ҳажмини ҳам инобатга олинишини қайд этилганда мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шу боисдан, бюджетни шакллантиришда асосий мезон бўлиб, товар (иш, хизмат)ларга бўлган аниқ талабни инобатга олган ҳолда харажатларнинг юқори лимитини белгилашдир. Бошқача қилиб айтганда, ажратиладиган молиявий маблағлар реал эҳтиёжларга нисбатан етарли миқдорда бўлишига эришишдир. Шундан келиб чиқадиган бўлсак молия йили охирида юзага келадиган профицит давлат органларининг молиявий эҳтиёжларини тўла қондирилганлигини ва ушбу ресурслар ортиқчалигини билдирмайди.

Шу билан бирга, Ц.Амбарян (2015) харидни режалаштиришдаги баъзи муаммоларни тадқиқ этиб ўтади. Бюджет буюртмачиси эҳтиёжи доирасидаги товар (иш, хизмат)нинг бозор нархи тўғрисидаги аниқ маълумотга эга бўлмасдан харажатларни режалаштириши мумкин. Шу боисдан, муаллиф бу каби муаммоларна бартараф этиш учун маълумотларнинг автоматлаштирилган тизимининг функционал мақсадли концептуал моделини жорий этишни тавсия этади.

Бизнингча, давлат харидини режалаштиришдаги мавжуд муаммоларнинг сабаблари қуйидагилардир:

– бюджет жараёнининг такомиллашмаганлиги - бюджетни шакллантириш фақат бир йил чегарасида бўлиб, унда ўтган йил бюджетида кўзда тутилган ва тугалланмаган лойихаларни молиялаштириш мажбурияти кўрсатилмайди;


– давлат харидларини режалаштирилган давр билан харидни амалга ошириш даври ўртсидаги муддатнинг бир календар йилиги қақр қилиши нарх билан боғлиқ мураккабликлар юзага келади.

– давлат бюджетини шакллантиришнинг услубий асосларининг етарли даражада такомиллашмаганлиги, яъни даромад ва харажат моддаларини режалаштириш ўзаро мустақилликнинг паст даражада эканлиги.

Тадқиқотларга асосланиб айтиш мумкин, бюджет харажатлари доирасида давлат харидларини режалаштириш жараёнида эҳтиёж бўлган товар (иш, хизмат)нинг келгусида бўлиши мумкин бўлган бозор қийматини аниқлаш механизминини ўзида акс эттирган маълумотларнинг электрон дастурини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.


Тадқиқотларимизни давом эттирган ҳолда давлат харидларининг ташкилий турларига тўхталиб ўтаемиз.

Хусусан Ю.Крюкова (2012) давлат харидлари тизимини ҳудудий ва умумдавлат даражасида ривожлантиришнинг муҳим жиҳатлари тўғрисида ўзининг хулосаларини билдириб ўтади. жумладан, давлат харидларини ҳудудий нуқтаи назардан ёндашиб, давлат харидлари ва харажатларини режалаштиришнинг ўзаро бирлашиши натижасида самарадорликка эришиш йўналишларини таклиф қилишга эришади. Унинг хулосалари умумий тузилмасини қуйидаги 1-расмда аниқроқ тарзда кўриш мумкин:



1-расм. Худудий давлат харидларини ривожлантириш мажмуи

М.Седова (2015) томонидан давлат харидларини молиялаштириш тўғрисида тадқиқотлар олиб борган. Шунингдек, рақобатга асосланган давлат харидини шакллари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида хулосаларни шакллантирган. Давлат харидининг шакллари савдолар асосида ва тўғридан-тўғри (савдоларсиз) тарзда шартномалар тузиш орқали юзага келишини қайд этиб ўтади (2-расмга қаранг).



2-расм. Рақобатга асосланган давлат харидлари турлари

Фикримизча, давлат харидларининг шаклланиш турларини ҳам худудий, ҳам рақобатга асосланган тарзда вужудга келишига тадқиқотчи ва мутахасислар томонидан эътибор қаратилган. Худудий жиҳатдан ёндашиш харидларни ташкил этишда молиявий мустақиллик омилини кучайтириш

заруратини белгилаб берса, рақобатга асосланган ҳолда шакллантириш иқтисодиётда ялпи таклиф ва талабни мувозанатлаштиришга ёрдам беради. Мазкур методдан фойдаланишнинг айрим турлари мамлакатимизда мавжуд эканлигини ҳам инобатга олиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

2-жадвал

Давлат харидларини амалга ошириш шакллари ва ташкилий жиҳатлари

Харид шакли	Савдо предмети	Бюджет буюртмачиси	Корпоратив буюртмачи
Электрон дўкон	товар	ЭКОИХ 25 бараваригача	ЭКОИХ 250 бараваригача
		Бир йилда ЭКОИХ 2500 бараваригача	
	иш, хизмат	ЭКОИХ 25 бараваригача	
Аукцион	Товар	ЭКОИХ 2500 бараваригача	ЭКОИХ 5000 бараваригача
Танлов	товар	ЭКОИХ 2500-6000 бараваригача оралиғида	ЭКОИХ 5000-25000 бараваригача оралиғида
	Иш, хизмат	ЭКОИХ 25-6000 бараваригача оралиқда	ЭКОИХ 25-25000 бараваригача оралиқда
Тендер	Товар, иш, хизмат	ЭКОИХ 6000дан юқори	ЭКОИХ 25000дан юқори
Ягона етказиб берувчи	Товар, иш, хизмат	бозорда муқобиллари бўлмаган, маданий қимматликлар, табиий монополия субъекти товар (иш, хизмат)лари	
Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича	Товар, иш, хизмат	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ-3953-сонли қарорига илова билан тасдиқланган рўйхат бўйича	

Манба. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тадқиқотчи томонидан тузилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 472-сонли Қонуннинг қабул қилиниши ушбу масалага аниқлик киритиб берди. Мазкур қонуннинг 23-моддасига кўра, Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қуйидагилардан иборат:

- электрон дўкон;
- бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;
- танлов;
- тендер;
- ягона етказиб берувчи билан амалга ошириладиган давлат харидлари.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг «давлат харидлари тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3953-сонли қарори билан давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар

бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг рўйхати белгилаб берилди.

Келтириб ўтилган давлат харидлари шакллари электрон тарзда амалга оширилади. Унда давлат буюрмачилари сифатида корпоратив ва бюджет буюртмачилари ўзаро фарқланади. Масалан, бюджетдан маблағ олиб ўз фаолиятини амалга оширувчи муассасалар бюджет буюртмачиси сифатида давлат харидида иштирок этади. Шу билан бирга, бюджетдан маблағ олмайдиган давлат корхоналари, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, устав фондининг (устав капиталининг) 50 фоизи ва ундан ортиғи 50 фоиз ва ундан ортиқ микдорда давлат улушига эга юридик шахсга тегишли бўлган юридик шахслар корпоратив буюртмачи тарзида ўз фаолиятини амалга ошириш мумкин (2-жадвалга қаранг).

Таҳлил ва натижалар

Электрон давлат харидлари махсус ахборот порталида амалга оширилади. Ушбу портал ваколатли орган томонидан рухсат берилган оператор томонидан юритилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиха бошқаруви миллий агентлигининг 2018 йил 15 майдаги “Махсус ахборот портали операторининг давлат харидларини ташкил этиш ҳамда ўтказиш борасидаги фаолияти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 186-сонли (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 21 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3015) буйруғига биноан Оператор қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт:

– давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни жойлаштиришни ва ундан фойдаланишни, мажбуриятларни ҲҚКП орқали бажариш кафолатларини, давлат харидлари бўйича статистик маълумотларни қайта ишлашни таъминлайдиган электрон ахборот тизимининг мавжудлиги;

– электрон тижорат ва ахборот технологиялари соҳасида малакали ходимлар мавжудлиги;

– портални Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аппарат-техника воситаларида жойлаштириш;

– унга нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари қўлланилмаганлиги.

Махсус ахборот портали ҳисоб-китоб-клиринг палатаси (ҲҚКП)даги аванс тўловидан ўзининг воситачилик ҳақини шартнома тузилгандан сўнг автоматик тарзда ечиб олади.

Электрон дўконда етказиб берувчи томонидан оммавий оферта шаклида товар (иш, хизмат) 15 кунга жойлаштирилади. Бу муддат давомида етказиб берувчи таклифга ўзгартиришлар киритиши мумкин. Буюртмачи ўзининг эҳтиёжлари ва харажат моддалари доирасида мақбул товар (иш, хизмат)га нарх таклиф этади. Буюртмачи томонидан нархлар сўрови юборилгандан сўнг етказиб берувчилар томонидан 48 соат ичида буюртмачига таклифлар

берилади. Шу билан электрон дўконда савдо амалга ошиб, давлат хариди жунланади. Сўнгра автоматик тарзда портал томонидан шартнома тузилади.

№	Lot raqami	Savdo tugash muddati	Hudud	Tuman	Buyurtmalar nomi	Boshlang'ich qiymat	Ohirgi eng yaxshi narx/ Ishirokchilar soni
1	4988079	17.06.2019 10:00:00	Navoiy viloyati	Tomdi tumani	Бумага А4	1 500 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
2	4988118	17.06.2019 10:00:05	Navoiy viloyati	Xatirchi tumani	Бумага А4	1 599 976 UZS	Narx taqdim etilmagan
3	4987386	17.06.2019 10:00:10	Toshkent sh.	Olmazor tumani	Цетиризин та0.5 мг; 10 мг N 10	600 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
4	4988225	17.06.2019 10:00:15	Navoiy viloyati	Navoiy shaxri	Бумага А4	2 100 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
5	4988499	17.06.2019 10:00:20	Qoraqalpog'iston Respublikasi	Qorauzak tumani	Аналгин, Димедрол, Строфантин, Преднизалон, Парацетамол	778 000 UZS	746 880 UZS (2)
6	4987845	17.06.2019 10:00:25	Navoiy viloyati	Navoiy shaxri	Кондиционер	10 720 000 UZS	10 291 200 UZS (2)
7	4988515	17.06.2019 10:00:30	Qoraqalpog'iston Respublikasi	Chimboy tumani	Комплект прокладок	280 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
8	4988326	17.06.2019 10:00:35	Xorazm viloyati	Qoshkopir tumani	Аналгин, Кальций глюконат, Парацетамол, Йод, Магний сульфат, Спирт этиловый, Новокаин, Эуфиллин, Зеленка, Вата медицинская, Папаверин, Валерьяна, Фуразолидон, Уголь активированный	7 260 500 UZS	Narx taqdim etilmagan
9	4988414	17.06.2019 10:00:40	Farg'ona viloyati	Farg'ona shaxri	Насосный агрегат	32 735 000 UZS	Narx taqdim etilmagan
			Qoraqalpog'iston Respublikasi	Qorauzak tumani	Краска, Шпатлёвка	4 991 000 UZS	Narx taqdim etilmagan

3-расм. Давлат харидлари амалга ошириш махсус ахборот портали
Манба: dxarid.uzex.uz порталидан олинган. Мурожаат санаси: 16.06.2019 й.

Аукционда электрон дўкондан фарқли равишда нарх таклифи етказиб берувчи томонидан амалга оширилади. Бунда энг паст нархларда шартнома тузишни таклиф этган субъект билан савдо битими шакллантирилади.

Аукцион электрон тизимда бошланғич нархни кадам-бакадампасайтириш йўли билан ўтказилади. Қадам ўлчови оператор томонидан ваколатли орган билан келишилган ҳолда белгиланади, лекин иштирокчи томонидан киритиладиган аванс миқдоридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Аукцион қуйидаги шартлар бир пайтнинг ўзида бажарилганда ўтказилади:


- товарнинг стандарт хусусиятларга эга бўлиши;
- товарнинг техник, эксплуатация қилиниш хусусиятларини ва бошқа хусусиятларини баҳолаш ҳамда таққослаш заруратининг мавжудлиги;
- хизматларнинг, ишларнинг давлат хариди объекти бўлмаслиги.

Қуйида биз электрон савдоларни ташкил этиш жараёнини қисман кўриб чиқамиз. Таъкидлаш лозим, аванс тўловлари шартнома мажбуриятлари бажарилганда ёки янги таклиф қолиб бўлганда корпоратив буюртмачи ва етказиб берувчига қайтарилади. Айтиш мумкинки, электрон харидлар фақатгина электрон дўкон ва аукционда амалга оширилади. Электрон харидлар

махсус ахборот портали орқали амалга оширилади. Ушбу портал <https://dxarid.uzex.uz/uz> сайтида жойлаштирилган бўлиб, унда ЭРИга эга бўлган давлат хариди иштирокчилар талаб ва таклиф доирасида фаолиятларини амалга оширишлари мумкин. Мазкур сайтнинг бошланғич кўринишида товарнинг лот (фойдаланиш, техник ва функционал хусусиятларига кўра) бир хил рақами, савдонинг тугаш вақти, буюртмачининг жойлашган ҳудуди, тумани, буюртманинг номи, бошланғич қиймат ва реал вақт режимида энг яхши таклиф тўғрисида маълумот акс этиб туради (3-расмга қаранг).

Қайд этиш керак, буюртмачининг барча маълумотлари мазкур ахборот порталида савдо бошланган пайтда аниқ кўриниб туради. Лекин, таклифларни амалга оширувчи (етказиб берувчи)нинг маълумотлари акс этишига йўл қўйилмайди.

Тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, махсус ахборот порталига аукцион учун жойлаштирилган эълонларда ҳар бир лот товар учун шакллантирилган нархлар бозор нархидан анча фарқ қилишини ёки товарнинг ҳажм (ўлчам)лариига қўйилган талаблар умуми стандартлардан фарқ қилишини кўриш мумкин. Масалан, “ДВП” (Древесноволокнистая плита) тўғрисидаги техник маълумотлари стандарт бўйича 2,75x1,7 м² юзаси ва қалинги 3 ёки 4 мм бўлиб, оғирлиги мос равишда 12 ва 16 кг бўлиши аниқланди.



LOT RAQAMI: 4988465

LOTGA YOZILISH

1 - ГВОЗДЬ

Batafsil ma'lumot: Мик 0,5 см узунликда

Xarajatlar moddasi: Товарно-материальные запасы (кроме бумаги и прочей полиграфической продукции)

Lotlar soni	O'lchov birlik	Boshlang'ich narx	Eng yaxshi taklif etilgan narx	Keyingi narx
10.0	Kg	15 000 UZS	Narx taqdim etilmagan	Narx taqdim etilmagan

2 - ДВП

Batafsil ma'lumot: ДВП деревянный размер 2x2 метр

Xarajatlar moddasi: Товарно-материальные запасы (кроме бумаги и прочей полиграфической продукции)

Lotlar soni	O'lchov birlik	Boshlang'ich narx	Eng yaxshi taklif etilgan narx	Keyingi narx
10.0	Шт	85 000 UZS	Narx taqdim etilmagan	Narx taqdim etilmagan

3 - СИНТЕПОН

Batafsil ma'lumot: Сентипон, размер 2x2 метр

Xarajatlar moddasi: Товарно-материальные запасы (кроме бумаги и прочей полиграфической продукции)

Lotlar soni	O'lchov birlik	Boshlang'ich narx	Eng yaxshi taklif etilgan narx	Keyingi narx
20.0	Шт	5 500 UZS	Narx taqdim etilmagan	Narx taqdim etilmagan

4 - ЛАК

Batafsil ma'lumot: Лак хар хил рангларда, идишда 2,5 литр булиши шарт

4-расм. Аукцион бўйича тасодиф товарлар тўғрисида маълумот

Манба: dxarid.uzex.uz порталидан олинган. Мурожаат санаси: 16.06.2019 й.

Мисол тариқасида олган ДВП маҳсулотимиз 4-расмда келтирилган 2x2 м² тарзида ўлчов билан берилган. Унинг қалинлигига қўйилган талаблар ва

оғирлиги тўғрисидаги техник параметрлар эса берилмаган. Шунингдек, 3-расмда кўриниб турган биринчи лотда “Бумага А4” тарзида берилган товар бўйича эълонда нарх 15000 сўм бир бирлик (500 та вароқлик) товар учун келтирилган. Мазкур махсус ахборот порталига қилган мувожаатимиз даврида “Бумага А4” (Svetocopy номдаги) бир бирлик (500 та вароқлик) товар нархи (www.olx.uz) www.olx.uz сайти орқали эълонлар ўрганилганда 27000 сўмдан мавжудлиги аниқланди.

Хулоса

Фикримизча, давлат харидлари бўйича эълонлар махсус ахборот порталига жойлаштирилганда қуйидаги омилларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

товар (иш, хизмат)нинг ишлаб чиқарувчи (етказиб берувчи) томонидан савдо предметининг техник паспорти асосида лотлар шакллантирилишини белгилаш ёки товар (иш, хизмат)ларнинг лотларини шакллантиришда давлат стандартлари ёрдамида эълонга бериш механизмини белгилаш;

савдо предмети учун нархларни белгилашда бозор баҳоси билан автоматик солиштириш ва аниқлашнинг реал вақт режимида ишлайдиган дастурий маҳсулотни яратиш.

Аукцион ўтказишда белгиланган энг юқори сумма қийматини ошириш орқали танлов асосида ўтказиладиган харидлар миқдорини камайтириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Бизнингча, юқоридаги ҳолатларни жорий этиш биринчидан, бюджет буюртмачиси томонидан харажатлар сметаси бўйича бир турдаги товарларни икки (ёки ундан ортиқ) шартнома бўйича харид қилинишига йўл қўйилмайди. Иккинчидан, бюджет буюртмачиси томонидан нархларни манипуляция қилишга имкон берилмайди, учинчидан, бюджет харажатларининг манзиллигини таъминлаш орқали самарадорликка эришилади.

Танлов воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

– товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил ва аниқ таърифини таърифлаш имконияти мавжуд;

– ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади.

Бизнингча, танлов бўйича давлат харидлари ўтказишда аукцион орқали амалга ошмаган савдоларни ташкил этилиши белгиланиши аукционда юқоридаги таҳлилларимизда таъкидланган ҳолатларнинг юзага келишига шарт-шароитлар юзага келади. Шу боисдан, аукцион орқали амалга ошмаган харидларни танлов шаклида ўтказиш амалиётини бекор қилиш ва танловни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси баённомалари асосида тўғридан-тўғри амалга ошишини кўзда тутувчи жараёнларни қисқартириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Қайд этиш лозим, танлов ва тендер ўртасида уларни ўтказиш учун белгиланган суммаларда кескин фарқланиши билан бирга, тендернинг икки босқичда ташкил этилиши билан хусусиятланади. Тендернинг икки босқичда ўтказилиши дастлаб техник талабларни кўриб чиқилиши бўлса, иккинчи босқичда биринчи босқич ғолиблари ўртасида нарх юзасидан рақобатни юзага келтириш орқали амалга оширилади.

Бизнингча, танлов ва тендер асосида давлат харидларини ташкил этишда уларнинг ўзаро интеграциясини амалга оширган ҳолда, танловнинг минимал сумма қийматини ошириш орқали аукцион ҳам доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, танлов ва тендерни бирлаштириш ўзининг амалий натижасини беради, деб ўйлаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, давлат харидларини ташкил этиш шарт-шароитлари рақобат муҳитини шакллантириш ва тўғридан-тўғри шартномалар тузиш асосида амалга ошириш билан юзага келар экан.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Edler J., Georghiou L. (2007), Public procurement and innovation-Resurrecting the demand side, Research Policy – Volume 36 Issue 7, pp. 949–963.

2. Falagario M., Sciancalepore F., Costantino N., Pietroforte R. (2012), Using a DEA across efficiency approach in public procurement tenders, European Journal of Operational Research – Volume 218 Issue 2, pp. 523–529.

3. Walker H., Brammer S. (2009) Sustainable procurement in the United Kingdom public sector, Supply Chain Management – Volume 14 Issue 2, pp. 128–137.

4. Амбарян Ц.О. (2015), Разработка системы поддержки управления государственными закупками с использованием концептуального моделирования, XXI век: итоги прошлого и проблемы настоящего плюс. – Т. 3 – № 6 (28), 281–286 с.

5. Анчишкина О.В. (2011), Планирование государственных закупок: опыт ФКС США для развития контрактных отношений в российском госзаказе, Федеральная контрактная система. – М.: 66-92 с.

6. Демиденко М.В. (2017), Развитие подрядных торгов на строительство объектов в системе государственных закупок: автореферат ... к.э.н. – СПбГАСУ. – СПб, 23 с.

7. Заикин Н.Н. (2015), Особенности развития конкурентной среды Россия в условиях глобальной нестабильности: автореферат ... к.э.н. – РАНХиГС при Президенте Российской Федерации. – Томск, 22 с.

8. Крюкова Ю.С. (2012), Государственные закупки в функционировании и развитии региональной экономической системы автореферат ... к.э.н. – НЧОУ ВПО «Южный институт менеджмента». Майкон, 26 с.

9. Седова М.В. (2015) Развитие механизма финансирования государственных закупок в России: автореферат ... к.э.н. – АНО ВПО «Российская академия предпринимательства». – Москва, 27 с.

10. Смотрицкая И.И. (2011) Государство как субъект контрактных отношений в условиях формирования инновационной экономики//Федеральная контрактная система. – М.:58-66 с.

11. <https://olx.uz/list/q-%D0%B1%D1%83%D0%BC%D0%B0%D0%B3%D0%B0-%D0%904-Svetocopy/>